САВОЛЛАРИНГИЗГА МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ЖАВОБ БЕРАДИ

ОҚИБАТЛИ КИШИЛАР

МАДАНИЯТИМИЗ ТАРИХИДА ЁРҚИН ИЗ ҚОЛДИРГАН СУЛОЛА

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ

ҲАФТАНГИЗ ХАЙРЛИ КЕЛСИН

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 31 (9.834) / 2003 ЙИЛ 14 ФЕВРАЛЬ

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

### ҚИСҚА сатрларда

❒ **БУГУН** «Бунёдкор» ёшлар телеклубида пойтахтдаги барча олий ўқув юртларида фаолият олиб бораётган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бўлимларининг етакчилари йиғилди. Учрашув давомида ютуқ ва камчиликлар, ёшларни қийнаётган муаммолар муҳокама қилиниб, ўзаро ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш борасида фикр алмашилди.

❒ **БУГУН** Чилонзор туманидаги Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг «Саёҳат» бўлимида «Маънавият ва маърифат» маркази туман бўлими ташаббуси билан «Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги ва ривожи» мавзусида семинар-тадбир бўлиб ўтди.

❒ **БУГУН** Яккасарой туман ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Тадбирда тумандаги прокуратура, ички ишлар ва халқ таълими соҳалари, туман маҳаллаларидаги ижтимоий кўникма марказлари вакиллари қатнашди.

❒ **ЎЗБЕКИСТОН** ва Япония ўртасида имзоланган кичик лойиҳалар бўйича молиявий ҳамкорлик шартномаси доирасида **кеча** Япония ҳукумати томонидан пойтахтдаги республика нафис санъат иқтидорли болалар мактаб-интернати, «Ором» мактаби ҳамда шаҳар ўсмирлар тиббий-реабилитация марказига таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини амалга ошириш учун 190.511 АҚШ долларига тенг грант ажратилди.

❒ **АКМАЛ** Икромов туманидаги «Аёл — сеҳр» маркази аёлларни иш билан таъминлаш мақсадида тикув цехи ташкил этганди. Эндиликда ушбу марказ қошида иш бошлаган тиббиёт масканига хориждан замонавий технологиялар келтирилди.

❒ **ШУНИНГДЕК,** Сергели туманидаги республика кар-соқовлар жамиятига қарашли маҳсулот чиқиндиларини қайта тайёрлаш ва ишлаб чиқариш корхонаси замонавий технологиялар билан таъминланди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 1 июндаги «Турар жой фондларини сув ва газ ҳисоблагичлари билан жиҳозлаш ва уларни Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш тўғрисида»ги ҳамда 2002 йил 28 мартдаги «2002-2004 йилларда уй-жой фондини газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ижросини таъминлаш борасида пойтахтимизда ҳам ибратли ишлар амалга оширилмоқда.**

**Ўтган йилда шаҳримизда хусусий уйлар ва кўп қаватли турар жой биноларида хонадонларига 138726 та газ ҳисоблагичлар ўрнатилган бўлса, жорий йилдаги режа 187 минг донани ташкил этади. Совуқ сув ҳисоблагичлари ўрнатиш ишлари ҳам давом этмоқда.**

**Энг муҳими эса ушбу асбоблар ўрнатилган хонадонларда табиий ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланишга муҳим аҳамият қаратилмоқда, бебаҳо бойликларимиз исрофгарчилигининг олди олинмоқда. Шу билан бирга хонадон эгалари сарфига яраша ҳақ тўлаб, оила бюджетига ҳам фойда қилишмоқда.**



**СУРАТДА:** Шайхонтоҳур тумани, «Кўкча» даҳасида яшовчи хонадон соҳиби Равшан Каримов ўз уйига ўрнатилаётган сув ўлчагич асбоби афзаллигидан мамнун.

**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.**

**• ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИДА**

# БОЛАЛАР СПОРТИ — ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

**Тошкент шаҳар ҳокимлигида болалар спортини ривожлантириш мажмуавий дастурини тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳларнинг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.**

Мактаб ва маҳаллаларда спорт иншоотлари моддий-техник базасини яхшилаш, ўқув юртлари ва спорт мажмуаларидаги мавжуд қувватлардан самарали фойдаланиш, миллий қадриятлардан келиб чиққан ҳолда янги иншоотларни қуриш каби масалалар болалар спортини ривожлантириш мажмуавий дастурида ўз аксини топиши лозим. Шу билан бирга бирinчи навбатда ҳал этилиши лозим бўлган долзарб вазифалар ҳам мазкур дастурда белгиланиши кўзда тутилган.

Маълумки, яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгашининг мажлисида қисқа вақт ичида амалга оширилган ижобий ишлар билан бирга, шунингдек жойлардаги айрим раҳбарлар фаолиятига танқидий баҳо берилиб, эзгу мақсадларга қаратилган катта ҳаракатни мавсумий масалага айлантирмаслик ҳамда бу борада шошма-шошарлик билан иш юритмаслик лозим деб таъкидланганди. Шу билан бирга чора-тадбирлар белгиланишида етакчи спорт турларини ривожлантириш, янги спорт иншоотларининг қурилишида болалар манфаати ҳамда улар соғлиғини инобатга олиш зарурлиги ва албатта бу борада илмий ёндашув ҳам муҳимлигини унутмаслик даркор.

Мажмуавий дастур тайёрланиши масалалари муҳокамаси доирасида республика ҳомийлик кенгаши мажлисида кўрсатиб ўтилган камчиликлар, киритилган таклиф ва тавсияларга алоҳида урғу берилди. Шунингдек, йиғилишда бугунги кундаги асосий вазифалардан бири жойлардаги спорт тўгаракларида фаолият юритувчи мутахассис кадрларни тайёрлаш ва бу борада дастурда аниқ йўналишлар кўрсатиб ўтилиши, жумладан спорт соҳаси кадрларини ўқитиш курсларини ташкил қилиш, уларни моддий жиҳатдан таъминлаш ҳам эътибордан четда қолмаслиги, ушбу хайрли ишларда маҳаллалар фаоллиги алоҳида ўрин тутиши ҳам аҳамиятли эканлиги таъкидлаб ўтилди.

**Ильмира ШАРАФУТДИНОВА**

## XXI аср садоси

**Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар**

### Мамлакатимизда

● **Кеча** Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон - Хитой ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда ҳамкорликни янада кенгайтиришнинг аниқ чораларини кўриш хусусида сўз бориб, бу борада амалга оширилиши мўлжалланаётган ишлар кўлами белгиланди.

● Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Корея Республикаси адлия вазири Шим Санг Менг раҳбарлигидаги делегация вакиллари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Рашиджон Қодиров билан учрашди.

● Жиззах вилояти ҳокимлигида Республика Адлия вазирлиги томонидан ўтказилган семинар-кенгаш фермер ҳамда тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимояси масалаларига бағишланди.

● **Кеча** андижонлик тиббиёт ходимлари келгусида сил касаллиги билан кураш бўйича дастурни амалга ошириш ва репродуктив саломатликни мустаҳкамлашга кўмаклашадиган инсонпарварлик ёрдамини қабул қилиб олдилар.

● Фарғона вилояти, Риштон туманидаги «Зоҳидон» фуқароларнинг қишлоқ йиғини қошидаги «Узункўча» ва «Гулистон» маҳаллаларида янги гузарларнинг қурилиши бошланди.

● Улуғнор қўриқ туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалигида истиқомат қилувчи 10 та оила уй тўйларини нишонлади. Уларга 12 сотихлик қулай коттежлар бепул топширилди.

### Жаҳонда

● АҚШ разведкасининг билдиришича, Шимолий Корея Америкагача етиб бориши мумкин бўлган узоқ масофага парвоз қилувчи баллистик ракеталарга эга.

● Атом энергетикаси бўйича халқаро ташкилот (МАГАТЭ) раҳбари Муҳаммад-ал Барадей ядро қуролларини тарқатмаслик тўғрисидаги халқаро шартномага риоя қилмаётган Пхеньян масаласини кўриб чиқиш учун БМТ Хавфсизлик кенгашига топширди.

● Польша полицияси Европанинг 12 та мамлакатида амал қилаётган евро пул бирлигининг қалбаки нусхасини ишлаб чиқараётган жиноий гуруҳни қўлга олди. Жиноятчилар ҳибсга олингунга қадар 1,5 миллион евро миқдоридаги қалбаки пулларни ишлаб чиқаришга улгурганлиги маълум бўлди.

● Европа Иттифоқи Зимбабвега қарши дипломатик жазо чораларини яна бир йилга узайтирди. Ушбу чоралар ўтган йили Мугабе ҳукуматининг мамлакатда инсон ҳуқуқлари поймол қилинганлиги ва давлатни сиёсий ҳамда иқтисодий инқирозга олиб келган сиёсат юритганлиги учун киритилган эди.

● Япония Шимолий Кореяни БМТнинг ядро энергетикаси бўйича агентлиги билан музокараларни тиклашга чақирди.

## Шарқ дурдоналари

### Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

● Буюкликка энг яқини ҳалолликдир.

● Агар одам ҳалолликдан юз ўгирса, шу қадар беҳисоб, ярамас иллатларга берилиб кетадики, оқибат натижада ҳаётнинг нопок йўлларидан юришга одатланиб қолади.

● Ҳалоллик ҳар қандай мартабани безайди.

● Пасткаш таъмагирликдан кўра жазони афзал кўр, чунки жазо бир марта, таъмагирлик эса умрбод дилни сиёҳ қилади.

ҲИКОЯТ. Кунлардан бир куни бир киши ўралиб, муҳрланган бир халтачани дўстининг ҳузурига келтириб:

— Дўстим, мен сафарга чиқиб кетаётибман. Ичида минг олтин бўлган шу халтачани сенга омонатга топшираман, сафардан қайтиб келганимдан сўнг оламан, — деб халтачани топширди ва ўша куни сафарга чиқиб кетди. Сафари узоқ вақтда чўзилди.

Дўсти омонатга хиёнат қилиб, халтачанинг бир томонини сўкди, олтинларни олиб тангалар билан тўлғазди, сўкилган жойини ҳеч ким билмайдиган қилиб тикиб қўйди.

Орадан 10 йил ўтгандан кейин омонат эгаси сафардан қайтиб келиб, дўстидан қўйган омонатини талаб қилди. Дўсти халтачани чиқариб берди, омонат эгаси халтачани очиб тангаларни кўргач, ҳайрон бўлиб дўстидан:

— Халтача ичидаги олтинларим қани? Нега тангалар билан алмаштирилган? — деб сўраганди, дўсти инкор қилиб:

— Халтачангни нима солиб қўйган бўлсанг шундай турибди, қараб кўр, босган муҳринг ҳам бузилмаган, тағин нима даъво қиласан? — деди.

Омонат эгаси халтачани олиб шаҳар қозисининг ҳузурига бориб воқеани баён қилди. Қози жуда ақлли ва тадбирли одам эди. У дарҳол хиёнатчи дўстни чақириб олиб, омонат эгасининг шикоятини айтди. Хиёнатчи дўст инкор этишга давом этди.

— Омонат қўйганингга неча йил бўлди? — деб сўраган эди, у киши омонат қилиб топширганига ўн йил бўлганини айтди. Қози ҳамма тангаларнинг босилган йилларига кўз ташлади. Тангалар босилганига 2-3 йилдан ортиқ бўлмаган эди. Қози хиёнатчи дўстга тангаларнинг босилган йилларини кўрсатган эди, у шарманда бўлиб қилган айбига иқрор бўлишга мажбур бўлди. Тадбирли, фаросатли қози олтинларни хиёнатчидан олиб, эгасига топширди.

Қозининг буйруғи билан хиёнатчи дўстни эшакка тескари миндирдилар. «Омонатга хиёнат қилган кишининг жазоси шундай бўлади», деб қичқириб шаҳар кўча ва бозорларни айлантирдилар.

**Байт:**

**Тулкидек айёрлик инсонга**
**ётдир,**
**Майда чақа бўлиш уят,**
**исноддир.**

● Фақат ўзини ўйлайдиган ҳамма нарсадан ўзига манфаат излайдиган одам бахтли бўлолмайди. Ўзинг учун яшамоқни истасанг, бошқалар учун яша.

**• ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ТАВАЛЛУДИНИНГ 520 ЙИЛЛИГИГА**



# Бобурнинг аржуманд ва саркаш фарзандлари

**Бобур 18 фарзанд кўрган. Унинг тўнғич ўғли Носириддин Ҳумоюн Мирзо 1508 йилда туғилганини назарга олсак, Бобур 1530 йилда вафот қилганида унинг бошида ўғиллари Ҳумоюн подшоҳ, Комрон Мирзо, Аскарий Мирзо, Ҳиндол Мирзо ва қизлари Гулрангбегим, Гулчеҳрабегим ва Гулбаданбегимлар туришган. Кўринадики, бошқа 11 фарзанди анчайин ёшлигида ҳаётдан кетганлар.**

(Бобурнинг фарзандлари, уларнинг фаолияти ҳақида Гулбаданбегимнинг «Ҳумоюннома»си, Т.Файзиевнинг «Темурийлар шажараси» китобини оқшомхонларга тавсия этамиз). Бобурнинг шоҳлик фаолиятини Ҳумоюншоҳ, Акбаршоҳ, Жаҳонгиршоҳ ва бошқалар давом эттирган бўлса, унинг тарихнавислигини Гулбаданбегим, шеъриятини имкон қадар ҳамма фарзандлари давом эттиришга ноил бўлганлар.

**Гулбаданбегим** 1523 йилда Кобулда туғилган. Онаси Дилдорбегим бўлган. У 1539 йилда Хизр Хўжахон деган саройнинг нуфузли мансабдорига узатилган. Унинг биргина ўғли бўлиб, исми Саодатёр эди. Гулбаданбегимнинг «Ҳумоюннома» деб номланган асари 1585-87 йилларда Ҳумоюншоҳ ўғли Акбаршоҳ таклифи билан ёзилган. Уни форс тилидан Бобуршунос олимамиз марҳума Сабоҳат Азимжонова ўзбек тилига таржима қилиб, икки марта нашр қилдилар. Олиманинг ёзишича Гулбаданбегим Бобуршоҳ ва Ҳумоюн давридаги Афғонистон ва Ҳиндистоннинг ички ва ташқи сиёсати, турли-туман қурилиш ишлари, саройлардаги муносабатлар, низолар, фитналар, давлатни мустаҳкамлаш чоралари, аёлларнинг мавқелари ва яна кўп мамлакат ва ҳукмдорликка оид долзарб масалаларни баён қилади. Асар анчайин содда тил ва равон услубда битилган. Унга алоҳида жозиба бахш этувчи тимсол — Гулбаданбегимнинг ўзи бўлиб, у асарда зийрак табиатли, чуқур билимли, ниҳоятда оқилона ва куюнчак аёл, фикрлари теран олима бўлиб гавдаланади.

Гулбаданбегим шеърият билан ҳам шуғулланган. Тазкираларда унинг мана бу байти келтирилади:

**Ҳар парирўйки, у бо ошиқ худ ёр нест,**
**Ту яқин медонки, ҳеч аз умр бархурдор нест.**

(яъни, ҳар париюзли гўзал ўз ошиқига ёр эмас экан, сен аниқ билгилки. у умрдан баҳраманд эмас).

Гулбаданбегим 1575 йилда Макка зиёратига боради, кўп риёзатлар чекиб, беш йилдан зиёд қолиб кетади. Ниҳоят 1582 йилда Акбаршоҳ ҳузурига қайтиб келади. Гулбаданбегим 80 ёшларида 1603 йилда вафот қилади. Акбаршоҳнинг ўзи соҳиби аза бўлиб, катта ҳурмат-иззат билан дафн қилади.

Бобурнинг **Гулчеҳрабегим** исмли қизи тазкираларда ёзилишича, Нақшбандия хожагонларидан Мирзо Нуриддин Муҳаммадга узатилган. Уларнинг Салима Султонбегим деган қизини Хони хонон лақаби билан машҳур Байрамхон ўз никоҳига олган. Диний эътиқоди ғоят мустаҳкам бу оқила аёлга 4 марта муборак Ҳаж сафари насиб бўлган. У 1021 йилда вафот қилган. Қуйидаги байт Гулчеҳрабегим қаламига мансуб, дейилади:

**Ҳеч гоҳ он шўхи гулрухсор бе ағёр нест,**
**Рост будаст онки, дар олам гули бехор нест.**

(яъни, ул шўх гул юзли ҳеч вақт ағёрсиз бўлмайди, оламда тиконсиз бирор гул бўлмайди, дегани рост экан).

**Ҳумоюн шоҳ** отаси ҳаёт эканида тахтга ўтирган, 1530 йил декабрида унинг бошига Бобур ўз қўли билан тожини кийдиргани «Бобурнома»да ёзилган. Шунда Ҳумоюн 22 ёшда бўлган, 1556 йил 24 январь — вафотигача шоҳлик қилган. Тарихий манбаларда унинг мулойим табиатли, ғоят таъсирчан бўлиб, адабиёт ва мусиқани, фалакиёт ва риёзотга оид илмларга жуда қизиққан. Мутрибий Самарқандийнинг «Нусхаи зебойи Жаҳонгир» номли тазкирасида шундай маълумот бор: Ироқ подшоҳларидан бири Ҳумоюн қаламига мансуб «Нусхаи Ҳумоюний»дан бир нусха кўчириб юборишларини сўраб мактуб йўллаган экан.

«Ғоят назокат ва шарофатли бу асар 4 рисоладан таркиб топган бўлиб:

1. Яхши мўмин учун билмоқ керак бўлган имон шартлари ва ислом ҳукм ва рукнлари баёни;
2. Илми нужум — сайёралар, юлдузлар ҳаракатига оид;
3. Илми мусиқийга оид.
4. Шеър илми — аруз, қофия илмига оид» экан.

Мутрибий «Мен бу шариф китобни Абдуллахон кутубхонасида кўрганман, мутолаа қилганман, ҳайратланганман, муаллифнинг муборак хати билан ёзилган эди, — дейди.

Манбаларда Ҳумоюн девон ҳам тузган, дейилади. Лекин мазкур рисолалар ва девон ҳақида илмий маълумотлар ҳамон йўқ.

Ҳумоюн Мирзонинг онаси, «ҳусну латофатда бениёз, ақлу идрокда бенуқсон, тадбиркор ва хушфеъл» аёл Моҳимбегим бўлган.

**Комрон Мирзо** — Бобурнинг иккинчи ўғли, онаси Гулруҳбегим. Бу шаҳзода оғаси Ҳумоюнга қараганда бошқача — қаттиқ табиатли, ўжаргина, худписанд бўлган. Лекин у ҳам илм олишга интилган, китобсевар, адаб аҳлига ҳомийлик қилган. Ҳумоюн унга айрим вилоятларни берган бўлса ҳам тахт талашишга аҳд қилиб, бир неча бор бош кўтаради, укаларини йўлдан оздиришга муваффақ бўлади. Унинг саркашликларидан чарчаган аъёнлар шоҳга «ё биродарлик қилинг, ё ҳукмдорлик» деган кескин талабни қўядилар. Чорасиз қолган шоҳ иниси кўзига мил тортдиради. Шундан сўнг Комрон Мирзо Макка зиёратига жўнайди ва ўша ерда 1557 йил 6 декабрда дунёдан ўтади.

1993 йилда Комрон Мирзонинг шеърлар девони Саидбек Ҳасан томонидан нашр қилинди. Шу девондан бир ғазал келтирамиз:

**Ишқ аро девона бўлсам, не ажаб,**
**Ақлдин бегона бўлсам, не ажаб**
**Холи ўлмиш хилватим ағёрдин,**
**Ёр ила ҳамхона бўлсам, не ажаб.**
**Ёрутур кулбамни ул шамъи жамол,**
**Бошиға парвона бўлсам, не ажаб.**
**Зоҳир ўлди кўйида расволиғим,**
**Шаҳр аро афсона бўлсам, не ажаб.**
**Ул паривашқа бўлубмен ошно,**
**Комрон, девона бўлсам, не ажаб.**

**Аскарий Мирзо** ҳарбий салоҳиятли, илмли, хуштабиат бўлса-да оғаси Комрон Мирзо таъсирига берилган, ўзаро низоларда асирга олинади. Ҳумоюн унинг бебошликларини аввалига кечиради. Лекин яна итоатсизликни содир қилганда қатъий туради. Аскарий Мирзо 1554 йилда Маккага жўнайди ва ўша ерда жон таслим қилади.

**Ҳиндол Мирзо** ҳам Ҳумоюнга қарши ҳаракатларда бўлади. Лекин кейинча тавба қилиб, шоҳ итоатида бўлади. Бу шаҳзода ҳам улфатшунос, илм-аҳлига мурувватли, билимдон ва шоир ҳам бўлган, деб ёзадилар.

Бобурнинг набиралари, эвара-чеваралари ичида ҳам маърифатли шоҳлар, фозил олимлар етишиб чиққан. Баъзиларидан яхши асарлар, осори атиқа (бинолар) боғ-роғлар қолган. Кейинги даврларда бобурийлардан етишган ижодкорлардан Шоҳ Жаҳон, Жаҳонгир Мирзо, Муҳаммад Доро Шукуҳ, Зебуннисобегимлар ҳам маданиятимиз тарихида ёрқин из қолдирганлар.

**Суйима ҒАНИЕВА**

## Заҳириддин Муҳаммад БОБУР

### ҒАЗАЛЛАР

*Қўй, эй оқил, насиҳат сўзларинким*
*дилписанд эрмас,*
*Менинг девона кўнглумга насиҳат*
*судманд эрмас.*

*Неча девона кўнглумни қилурсен нафй, эй оқил,*
*Агарчи телбадур бори сенингдек худписанд эрмас.*

*Қилурсен талх айшим комини беҳуда сўзлардин,*
*Саросар сўзларинг заҳредур, эй носиҳки,*
*панд эрмас.*

*Бўлубмен бир парининг анбарин сочиға вобаста,*
*Мени телбага эмди ҳожати занжиру*
*банд эрмас.*

*Жаҳонда кўп гадо, гарчи лаванд атворлиқ бордур,*
*Ва лекин, Бобуро, ҳаргиз сенингдек шаҳ лаванд эрмас.*

* * *

*Олди кўнглумни, соғиндимким, манга дилдор эмиш,*
*Билмадим, бу навъ мендин ул пари безор эмиш.*

*Ошиқ ўлғоч кўрдум ул шамшод қаддин юз бало,*
*Оллоҳ, оллоҳ, ишқ аро мундоқ балолар бор эмиш.*

*Илтифот этмаслигин бозий хаёл айлар эдим,*
*Эмди билдимким, анга мендин бу янглиғ ор эмиш.*

*Ул пари ишқида йўқ ўлмоқдин ўзга чорае,*
*Чун ўзи — қотил, сўзи — муҳлик, кўзи хунхор эмиш.*

*Ҳусн аҳли, эй кўнгул, олам аро ишқ аҳлининг*
*Кўнглини сохлар эмиш, ҳар кимгаким, дилдор эмиш.*

*Ул вафосиз ёрдин чекмак не яъни мунча ғам,*
*Ҳусн аҳли чунки, Бобур, дунёда бисёр эмиш.*

## «ОГ»: ҳодисалар

◆ Айрим нопок кимсалар ўзгалар мол-мулкига кўз олайтириб, турли йўллар орқали ўғирлик жиноятларини содир этадилар. Аммо улар охир-оқибат барибир ушбу қинғир қадамларидан қаттиқ пушаймон бўлиб қоладилар. Яқинда, Юнусобод тумани ИИБ навбатчилик қисмига келиб тушган хабарга кўра, Қиёт мавзеси, 30-хонадонда истиқомат қилувчи фуқаро Ф.Илёсованинг уйидан жами нархи 365000 сўм турадиган турли буюмларни ўмариб кетган Жўнариқ кўчасида яшовчи Х. Дилшод исмли шахс ҳам бугун милиция ходимлари томонидан қўлга олингач, қилмишидан афсус чекиб ўтирибди.

◆ Ушбу туманнинг Отчопар кўчасида истиқомат қилувчи Р. Нарзулла деган йигит ҳам муқаддам содир этган ноқонуний ҳаракати туфайли қамалиб чиққан бўлсада, яна ўйламай-нетмай ўғирлик жиноятига қўл урди. У Абдураҳмонов (олдинги София шоҳкўчаси) 4-уйда меҳмонда бўла туриб, хонадон соҳиби Д. Трофимовнинг чарм курткаси, «Электроника» қўл соати ва 10000 сўм пулларини олиб, чиқиб кетган.

◆ Ҳамза тумани, Мавзуний кўчасидаги нафақахўр В. Кирясовага тегишли 77-уйга девордан ошиб ўтиш орқали кириб, овчарка ити ва ваннасини ўғирлаб кетган ушбу кўчада яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Х. Расул ҳамда унинг шериги, Лобачёв кўчасида истиқомат қилувчи З. Аъзамжон исмли шахслар ҳам ҳозирда милиция ходимлари томонидан қўлга олинган бўлиб, содир этган қалтис ҳаракатлари учун қонун олдида жавоб бермоқдалар.

◆ Маълумки, ҳозирги кунда барча мамлакатлар гиёвандликка қарши кескин кураш олиб бормоқдалар. Аммо шунга қарамай орамизда айрим нопок кимсалар мўмай пул топишни кўзлаб ана шу энг оғир ва хавфли жиноят ҳисобланган оғуфурушлик билан шуғулланмоқдалар.

Яқинда Ҳамза тумани ИИБ ходимлари томонидан Қурувчилар кўчасида қўлга олинган, ушбу туманда яшовчи Б.Хайрулла исмли фуқаронинг ёнидан 23,64 грамм марихуана моддаси топилди.

◆ Яккасарой тумани ҳудудидаги Ҳ. Умаров кўчасида жойлашган «Тигр» ёнилғи қуйиш шохобчаси олдида ҳаракатларидан безовта кўринган, Бошлиқ мавзесида истиқомат қилувчи Я. Сергей ушланиб, унинг сумкасида 12,76 грамм марихуана моддаси борлиги аниқланди. Олиб борилган дастлабки тергов жараёнларида унинг ушбу гиёванд моддани Чилонзор тумани, Д 20-мавзесида яшовчи фуқаро А.Собирдан олганлиги ва унинг уйи ҳам кўздан кечирилганда эса 422,16 грамм марихуана моддаси борлиги маълум бўлди.

◆ Жамиятимизда ўзига фирибгарликни касб қилиб олган айрим кимсалар ҳам учраб туради. Миробод тумани, Фарғона йўли кўчасида яшовчи З.Семён деган йигит ҳам ўзини ана шу тоифага мансуб шахслар қаторидан эканлигини исботлади. У Афросиёб кўчасида жойлашган «Баракат-Савдо» марказига қарашли «Интернет» кафесида, шу кафе ходими Ж.Мусулмонқуловга ўзини «компьютер устасиман» деб таништириб, алдаб, «Хорд-диск» компьютерини олиб кетиб, қайтариб бермасдан қочиб кетган.

◆ Сергели туманида истиқомат қилувчи, кўпчилик каби бирон жойда ҳалол меҳнат қилиб кун кечиришни хоҳламайдиган Х. Дилшоднинг ўйлаб топган найранги ҳам охири ўзига панд бериб қўйди. У ҳам осонгина пул топишни олдига мақсад қилиб олиб, Ўзгариш мавзесидаги 1-уйда истиқомат қилувчи фуқаро Ш. Абдураззоқованинг видеомагнитофонини «тузатиб бераман» деб, ваъда қилиб, олиб кетган ва шу билан қочиб юраверган. Ҳозирги кунда ҳар иккала фирибгарнинг ҳам қилмишлари фош этилиб, улар устидан тергов ишлари олиб борилмоқда.

**Самариддин ХАЛИЛОВ,**
**Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот маркази нозири.**

### ДОНИШМАНДЛАР ХАЗИНАСИДАН

## Муҳаммад Авфий
# Жавомеъ ул-ҳикоёт

**(Давоми. Боши ўтган сонларда)**

Ниҳоят, манзилга етдик. Кунлардан бир куни у хотинни учратиб, уйимга олиб кетдим. Сўнгра ундан бўлган воқеани сўрадим. «Ундай бўлса воқеани сенга айтаман, башартики, менинг номуссизлигимдан ғазабланмасликка сўз берсанг», деди. «Хотиржам бўл», дедим. Менинг отам Исфаройин шаҳрининг муфтиси ва мударриси эди. Мендан бошқа фарзанди йўқ эди. Менинг уйимда хизматкорлар йўқ эди. Отам ўз шогирдларига нимаики таълим берса, мен ҳаммасини ўрганиб олардим. Кўп кишилар мени ўз никоҳига киритиш учун ҳаракат қилардилар, аммо мен улардан ҳеч қайсисини ёқтирмас эдим. Отам эса бу соҳада менинг раъйимга қарарди.

Иттифоқо, бир кун отам шогирдларига дарс бериш учун масжидга кетган эди. Мен уйдан ташқарига чиқиб, бир йигитни кўрдим. Соқол-мўйлаби эндигина чиқа бошлаган, соҳибжамол ва латиф қоматли йигит эди. Уни кўрдиму ишқ ўти қалбимни ром этди.

Шундан сўнг мен ўзимни унга кўрсатдим. У ҳам менингдек менга мафтун бўлиб қолди. Мен ундан бирор соат бирга бўлишни ва чақчақлашиб, ўйнаб-кулиб, ҳордиқ чиқаришни илтимос қилдим. Йигит келди. Бир-биримизнинг оғушимизга кириб, ҳузур-ҳаловатга машғул эдик. Шу пайт отам китоб олиб кетмоқ учун масжиддан қайтиб келиб эшикни тақиллата бошлади. Йигит қўрқиб, энди қаерга бораман, деди. Ғалладан бўшаган хум бор эди. «Хумга туша қол!» дедим.

Йигит хумга тушди, мен хумнинг қопқоғини ёпиб қўйдим ва бориб отамга эшик очдим. Отам уйга кириб қидирган китобини олиб яна орқасига қайтиб кетди.

Мен хум олдига келиб, унинг қопқоғини очиб кўрдимки, йигит димиқиб ўлиб қолган эди. Нима қилишимни билмай ҳайрон бўлиб қолдим.

Шундан сўнг, йигитни хумдан тортиб олиб, томга олиб чиқдим. Томда тандир бор эди. Биз гоҳо-гоҳо ушбу тандирда нон ёпиб турардик. Йигитнинг жасадини мазкур тандирга яширдим ва уни қандай қилиб дафн қилишнинг ҳаракатига тушдим.

Томдан атрофга назар солдим. Бизнинг саройимиз ёнида подшоҳнинг туяхонаси бор эди. Барча туябонлар шу ерда истиқомат қилардилар. Туябонлар орасида қора юзли занжини кўрдим. Уни имлаб чақардим. Занжи томга чиққач: «Мен сенинг хизматингга ҳожатмандурман. Нима истасанг ҳам майли, ҳожатимни раво қилсанг бўлгани, зар-жавоҳирдан қанча истасанг шунча бераман», дедим.

«Хизматга тайёрман», деб жавоб берди занжи. «Мени шарманда қилмасликка қасам ич», дедим. Занжи қасам ичди. Шундан сўнг, воқеани унга баён қилдим ва йигитнинг жасадини унга кўрсатдим. Занжи фарёд солиб: «Бу менинг хожазодамдур, бу бадфеъл шум толеъ қаердан келибди», дерди. Мен занжининг оёғига йиқилиб мени шарманда қилмасликни сўрадим. «Агар ўз танингни менга бағишласанг, сени бу балодан қутқарурман. Акс ҳолда ҳозироқ шарманда бўлурсан», деди занжи.

Мен зарурат юзасидан рози бўлдим. Занжи менинг қизлигимни барбод қилди. Жасадни эса молхонага олиб кетди. Мен ҳайронликда қолдим. Тунда занжи бизнинг мўримиз ёнига келиб тош билан мўрини тиқиллатиб, бизни нотинч қилди. Шарманда бўлишдан чўчиб томга чиқдим. Занжини маст ҳолда кўрдим. Занжи менга қараб: «Менинг дўстларим шароб ичмоқдалар. Ҳар қайсисининг ўз маъшуқаси бор. Мен билан юр, бирор соат томоша қилайлик. Агар бормасанг ҳозироқ сени шарманда қиламан», дедим.

Мен минг хил ҳийла-найранглар билан бир оз тўхтаб туришни сўрадим. Отам уйқуга кетгач, шарманда бўлишдан чўчиб, унинг олдига келдим ва у билан бирга томдан тушиб уйга бордик. Бизнинг қаршимизда тўққиз туябон ўтирардилар. Ҳар бирининг ёнида маъшуқаси бор эди. Улар шароб ичиб, базмга машғул эдилар. Занжи эса уларнинг ўнинчиси эди. Занжи мени ҳам ичкарига олиб кирди, ҳамма менга боқарди. Ўтирган хотинлардан баъзилари мени таниб, аввалги иффат ва тақводорлик қани-ю бугунги шармандалик қаердан пайдо бўлди, дедилар. «Эй, опа-сингиллар, шармандаликда айблаш яхши эмас. Кишининг бошига кулфат тушганда, унинг айбини ёпиб кетмоқлик мурувватдандир», дедим.

Улар менга шароб тутдилар. Мен қабул қилмадим ва: «Мен ҳали бу ишда тажрибасиздирман. Бу кеча мен сизларга соқий бўлай, токи шаробхўрликнинг тартиб-қоидаларини ўрганиб олай. Кейинги ўтиришларда эса сизлар билан бирга ичай», дедим. Улар менинг узримни қабул қилдилар. Мен ўша кечаси уларга жуда кўп шароб қуйиб бердим. Ҳаммалари маст бўлиб йиқилдилар.

Шундан сўнг, улардан бирининг ёнидан пичоғини олиб, эркак ва хотинларнинг ҳаммасини сўйдим. Чунончи бирор киши ҳам тирик қолмади. Сўнгра ўрнимдан туриб, ўз уйимга равона бўлдим ва саломат уйга етиб келдим.

Эртаси кун бу хабар шаҳарга тарқалди. Аммо бу ишни ким қилганини ҳеч ким билмади ва ҳеч ким мендан гумон ҳам қилмади.

Бир оз муддат ўтгач, отам мени ўзининг яқинларидан бирига хотинликка берди. Зарурат юзасидан бу никоҳга рози бўлдим. Бозордан ўзим билан тенгқур канизак қиз сотиб олдим. Унга кўп парваришлар қилиб, ҳаддан ташқари унга эътибор берардим.

Кунлардан бир кун унга шундай дедим: «Мен сени бир иш юзасидан парвариш қилаётирман. Сендан яхшилик кўриш умидидаман», дедим. Канизак таъзим қилиб, вафодорлик ва яхшилик қилишга сўз берди. Ниҳоят, келинни куёвнинг ҳузурига киритиладиган кеча етиб келди. Мени куёвнинг ҳузурига киритиш учун чақирдилар. Мен эса канизакни бир бурчакка олиб бориб: «Билгинки, менинг бошимга бир мушкул иш тушгандир. Чунончи, менинг қизлигим барбод бўлган ва мен бу ҳақда ҳеч кимга айтмаганман. Чунки уялганман. Энди сенинг менга кўрсатадиган луфт-эҳсонинг шундан иборатки, мен эрим билан кўрпага киргач, бир баҳона топиб ташқарига чиқаман ва ўз кийимларимни сенга кийдираман.

**(Давоми бор).**

**Турғун ФАЙЗИЕВ тайёрлаган.**

### БЎШ ВАҚТИНГИЗДА

## Бошқотирма



**Ёйлар бўйича ўнгга:** 9. Англия футбол командаси. 10. Асосан трактор ёнилғиси сифатида ишлатиладиган нефть маҳсулоти. 11. Ашуланинг такрорланадиган қисми. 12. Ватанимизда қадоқланаётган чой нави. 13. Ўзбек халқ рақс куйи. 14. Узунлик ўлчови асбоби. 15. «Амир Темур» романи муаллифи, тарихчи олим. 16. Европадаги давлат пойтахти.

**Диагонал бўйича ўнгга:** 1. Автомобиль ёнилғиси. 2. Мактаб ишлари мажмуи. 3. Ғазғон кони маҳсули. 4. Канададаги порт шаҳар. 5. Узум нави. 6. Нашр ишлари мажмуи. 7. Ҳиндистон жанубидаги йирик порт шаҳар. 8. Польшанинг Висла дарёси бўйидаги шаҳар

**Диагонал бўйича чапга:** 1. Саъдий Шерозий асари. 2. Темир ва пўлат бўлимларни ўзига тортиш хусусиятига эга бўлган жисм. 3. Лочинсимонлар оиласига мансуб йиртқич қуш. 4. Қора қайинларга мансуб дарахт. 5. Комбайн қисми. 6. Подшоҳ оиласига мансуб аёл. 7. Хотира мазмунидаги асар. 8. Ўсимликнинг гул ёки баргга айланувчи аъзоси.

**Муаммонома**

**Очқич сўзлар:** «Шашмақом» таркибига кирувчи мақом — 5, 6, 8, 11, 3.

2. Европадаги давлат пойтахти — 10, 2, 9.
3. Ёзув ашёси — 5, 2, 4, 3.
4. Баъзи дарахтлар ҳосили — 9, 6, 7, 1.

Энди жавоблар асосида шакл марказидаги рақамларда яширилган муаммономани ҳал этиб ҳикматли сўзни билиб олинг.

**Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ**

**Газетанинг шу йил 7 февраль сонида берилган «Алишер Навоий ҳикматлари» топқирлик машқининг жавоблари:**

**Очқич сўзлар:** 1. Одам. 2. Остидадур. 3. Ватан. 4. Ўз. 5. Йўқдур.

**Ҳикмат:** Айтур сўзни айт — айтмас сўздан қайт.
**Навоий.**



Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 7587 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-108. Топширилди 11.35 1 2 3 4 5 6